

Темурийлар тарихи давлат музейининг бурчагида ойна остида бир сурат бор. Дамашкий киличнинг сурати. Унинг тагида кискагина изох ёзилган: “Амир Темурнинг киличи”. Суратда дамашкий киличнинг сопи ва бир қаричча қисми акс этган. Уни кўрган кишида дафъатан шундай фикр тугилади: бу килич фототасвирга олинганига қараганда хозир ҳам бор экан-да! Сохибкирон бобомизнинг киличи қаерда сақланмоқда? Сохибкирон “Тузуқлар”ида шундай ёзган:

“Килич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим”.

Накъл этилишича, Сохибкироннинг падари бузруквори Амир Тарагайга тушида нуроний бир зот килич ҳаё қилган экан. Амир килични кўлига олиб хавода ўйнатганида килич юзидан таралган нурдан олам ёришиб кетибди. Амир Тарагай тушини пири Амир Кулолга айтганида у бир ўғил тугилажаги ва килич билан дунёни фатх этиб, ислому имон учун катта ишларни амалга оширажагини башорат қилибди.

Амир Темур “Таржимаи ҳол”ида айтишича, ҳаёти мобайнида беш нарасага катъий эътиқод қўйиб, уларга доимо амал қилган: Оллох, тафаккур, килич, имон ва китоб (битик)дир.

Сохибкирон ёшлигидан килич кучи устувор бўлган муҳитда ўсиб-улгайган. Аммо исломий таълимотни чуқур ўзлаштирган Амир Темур Амир Кулол ва Абубақр Тойободий қаби пири қомилларнинг насиҳатларига амал қилиб ҳарбий қудратни адолатга хизмат қилдирди.

“Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда килич ишлатмадим”, — дейди Сохибкирон.

Амир Тарагай ўглининг катта ҳаёт йўлига қўлда килич билан чиқаётгани ва умуман, унда баҳодирона жанговарлик хусусиятлари устунлигидан ниҳоятда севинади...

Амир Темур килич ўйнатиш маҳорати туфайли ҳаётидаги жуда калтис вазиятлардан соғ-омон чиқишга муваффақ бўлган.

1362 йили Амир Темур рафикаси Улжой Туркон билан бирга Мохон ҳокими Алибек Жониқурбоний навқарлари томонидан тутқунликка маҳкум этилади. Ўшанда бўлажак жаҳонгир 26 ёшда эди.

“Бургаси кўп қоронги уй”даги олтмиш икки кунлик тутқунлик!

Ўша аламли чоғларда Амир Темур, агар бу зулматдан ҳалос бўлсам, ҳеч бир қимсани, аввал айбини аниқлаб олмасдан қамамайман, дея Оллох таоло номи билан қасамёд қилади.

“Тузуқлар”да кейинги воқеалар ўзига ҳос вазминлик билан шундай ҳикоя қилинади:

“Ундан қутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим ва Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди. Кучли ва чаккон билакларим иш бериб, соқчилардан бирининг қўлидан киличини тортиб олдим-да, уларга ҳамла қилган эдим, бариси қочиб қолди.

Килич кўтарганимча, тўғри Алибекнинг устига бостириб қирдим. Мени кўргач, ҳуши бошидан учди. Қилган номуносиб ишидан пушаймон бўлиб, мендан узр сўради.

Отларимни, ярқ-жабдуқларимни ҳозирлатиб, менга бир ориқ от ва бир қари туя тортик қилган бўлди. Оғаси Муҳаммадбек менга атаб юборган бир қанча совға-саломларини эса очқўзлик қилиб ўзига олиб қолди. Сўнг кетишимга руҳсат берди”.

Олтмиш икки кун ноҳақ азобланган баҳодир қўлида килич, кўзлари ёниб шердай ваҷоҳат билан ганимнинг қаршисида тўсатдан пайдо бўлишини тасаввур қилинг!

Интиқом ўтида ёнган йигит бир зарб билан золим ҳокимни нариги дунёга жўнатиши

мумкин эди. Аммо у касос олишга шошилмайди. “Таржимаи хол”да ёзилишича, худди шу дамда Алибек Жониқурбоний оғаси Муҳаммадбекдан нома олган бўлиб, унда Амир Темурга ёрдам кўрсатиш сўралган эди...

“Киличим ўткир бўлса-да, ўйлаб кинидан чиқардим, ширин сўз айтиб, ганимнинг имон топтомига йўл очдим”, — дейди у.

Сохибкирон ҳаётида унинг ўзи бевосита душманга юзма-юз келиб, баҳодирона жанг қилган давлар ҳам кўп бўлган. Ўз ҳукмдорининг жангдаги шахсий жасорати лашкарларга нечоғлик қудратли руҳ бағишлашини тасаввур этиш мумкин! Ана шундай жангларда Сохибкирон ўз қиличини нақадар шараф ва номус билан тутганлиги ҳақида жуда кўп мисоллар бор:

1379 йили учинчи март Хоразмга юриш чоғида Хоразм ҳокими Юсуф Сўфининг бошига қизик фикр келади. У икки тараф қишлоқларининг қони тўқилмаслиги учун ўзи Амир Темур билан яққам-яққам олишмоқни истади. Сохибкирон бу таклифга рози бўлади. Амир Сайфиддин барлос унга ўзининг қимматли ҳаётини таҳликага солмасликни тавсия қилса-да, Амир Темур унинг гапига қирмай, жанг майдонига бир ўзи етиб келиб, “жуда қаттиқ товуш билан душманини чақирди” (Херман Вамбери). Бехад таҳликага тушган рақиб эса ўз даъватидан тониб, жанг майдонига чиқмайди. Тарихчининг ёзишича, жанг арафасида ўзини йўқотиб қўйган Юсуф Сўфи рақибининг ҳақоратларини унсиз тинглаб ўтиришдан бошқа илож тополмайди.

Солномада ушбу жанг билан боғлиқ яна бир эътиборли воқеа дарж этилган: кўп ўтмай, Амир Темур қароргоҳига Термиздан қовун келтиришади. Сохибкирон олтин патнисда рақибига қовун юборади. У қовунни сувга улоқтириб, патнисни мулозимларидан бирига совга қилади. Амир Темур Юсуф Сўфига Термиздан келтирилган қовунни юбориб, унга номардлик қилиб жанг майдонига чиқмаганлиги, унинг номақбул хатти-харакатига раҳмий ишора қилади. Маълумки, азалдан Термизга “Мардлар шаҳри” деган таъриф берилган. Бу ишорада мардлар шаҳридан келган қовунни еб, сенга ҳам озгина мардлик юксин, маъносидаги шама бор эди.

1393 йил майида Шероз яқинидаги жанг айниқса қалтис кечган. Бу ҳақда француз тарихчиси Люсьен Кэрэн шундай ёзади:

“Тўс-тўполон орасида асосий қўшиндан ажралиб қолган Темур ва унинг ҳос мулозимларини қўрган Шох Мансур ўзига содиқ аскарлари билан улар устига отилди. Шох Мансур кўз очиб-юмгунча Амир Темур қаршида пайдо бўлди. Уни қўрган Темур қўриқчисидан найзасини олмоқчи бўлиб ўғирилди, бироқ ёнида ҳеч қим йўқ эди. Фурсатдан фойдаланиб, Шох Мансур шамшири билан унинг бошига икки зарба туширди. Дубулганинг мустаҳкамлиги ва, айниқса, иккала сафар ҳам дубулгасининг силлиқ томонини тутиб берган Темурнинг совуққонлиги туфайли шамшир сирғалиб кетди. Бироқ Шох Мансурнинг ажали етган эди...”

Воқеанинг давоми ҳақида “Темур тузуклари”да қуйидагиларни ўқиймиз:

“Агар ганим бостириб келиб чоповул, шиковул, баронгор ва жавонгор фавжларини маҳв этиб, ўзини лашкарнинг қўл фавжига етказса, у чоғда султон шижоат оёғини сабр узангисига маҳкам тираб, душманни даф қилиб йўқотиш учун олдинга ташлансин. Чунончи, мен Шох Мансур билан жангда шундай қилдим. У ўзини менга етказди ва у билан юзма-юз тўқнашдим, токи уни ҳалокат туфротида қормагунимча урушдим”.

Догистон, 1395 йил. Терек соҳили. Улуг Амир кўрнамак Тўхтамишга қарши учинчи бор лашкар тортишга мажбур бўлади. Шу йилнинг 15 апрелида Терек дарёси соҳилида қудратли Олтин Ўрда давлати тақдирини ҳал этган улкан муҳораба бошланган.

Кўпсонли, яхши курулланган, тажрибали ва маккор ёв устидан зафар кучишда саркарданинг буюк махорати ва жангдаги шахсий ибрати асосий омил бўлди. Жанг асносида душмanning сараланган гурухи Шох Мансурнинг кўлидан келмаган ишни амалга оширишга, яъни Мовароуннахр лашкарларини талвасага солиш учун Амир Темурни ўлдирмокчи бўладилар. Шу мақсадда улар Сохибкиронни кўрикчиларидан анча узокка чалгитиб, тезда бир неча аскар билан куршаб оладилар. Солномачининг ёзишича, “камонининг ўклари тугаган, найзаси синган” Амир Темур “шамширини тинмай ишлатиб” оддий навкар каби мардона жанг килган.

Юкоридаги каби не-не тарихий дамларга гувоҳ бу шамшир! Амир Темур киличининг кейинги тақдири қандай кечган?

...1405 йил, 18 феврал. Ўтроп хокими Бердибекнинг саройида буюк лашкарбоши, давлат арбоби Амир Темур ибн Тарагай уч марта “Ло илохо илло Оллох”, дея такрорлаб жон берди. Шундай килиб, Хитой устига юриш режаси унинг вафоти туфайли бекор килинди ва Амир Темур жасадини Самаркандга олиб бориш Хўжа Юсуфга топширилди. Тарихчи Ибн Арабшохнинг ёзишича, дастлабки вақтларда Амир Темурнинг қабри устига унинг кимматбаҳо либослари ёпилган. Хонанинг деворларига эса унинг жанговар ярк-аслахалари осиб кўйилган. Бу жихозларнинг барчаси кимматбаҳо тошлар билан безатилган бўлиб, энг арзонининг баҳоси бир вилоят солигининг баҳосига тенг келарди. Гумбазнинг шифтида эса осмондаги ёркин юлдузлар мисоли олтин ва кумуш кандиллар осилиб турарди. Макбаранинг ичига ипак ва бахмал гиламлар тўшаб кўйилган.

Макбара ичини бундай ошикча нарсалар билан безаш шариатга тўғри келмас эди. Шунинг учун 1409 йилнинг май ойида Самарканд тахтини эгаллаган Шохрух Мирзонинг буйруги билан бу ердаги ошикча ашёлар йигиштирилиб, кимматбаҳолари хазинага топширилди. Балки, уларнинг ичида Сохибкирон шамшири ҳам бўлгандир? Хар холда, макбара ичидаги кимматбаҳо буюмлар 1409 йилгача турган бўлса, демак, исрофгар шахзода Халил Султоннинг ҳукмдорлик давридан “талофатсиз” чиққан, дейиш мумкин. Сохибкироннинг “энг арзони бир вилоят солигининг баҳосига тенг келадиган” жанговар аслахалари ва яркларини хазинада қанча вақт сакланган экан? Тарихий манбаларда Амир Темур киличи ва ярк-аслахалари тўғрисидаги маълумотлар унинг вафотидан сўнг орадан 300 йилдан зиёд вақт ўтгач, яна тилга олинади. Аммо бу гал... Келинг, миллатимизнинг энг тушкун ва аламли кунлари тарихига бир назар солайлик. Самарканд, 1740 йил...

Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон ҳукмронлигининг сўнгги кунлари. Махаллий тўралар ва уруглар ўртасидаги тинимсиз қонли низолар оқибатида Бухоро хонлиги номигагина давлат сифатида яшаётган эди. Юртга ёв келганда, давлатни пароканда қилган бу амалдорлар юртнинг бор-буд бойликларини ёвга пешкаш қилишдан ўзга чора топмадилар...

1740 йили Эрон шохи Нодиршохнинг кўшини Самаркандни босиб олганида кўлга киритилган ўлжалар қаторида Амир Темурнинг киличи, соғути, Амир Темур жомеъ масжидидаги етти хил маъдан қотишмасидан ясалган дарвозани ва хатто қабрига ўрнатилган яшм тошини ҳам тўп қанорасига ортилиб, Машхадга олиб кетилган. Бу ҳақда Нодиршохнинг сарой муаррихи ёзиб қолдирган экан. Кўп ўтмай яшм тоши ўз жойига қайтарилган, аммо дарвоза, соғут ва киличнинг дараги номаълум.

...Килич ҳақидаги кейинги маълумот ўтган асрнинг бошларига тегишли. Инглиз олими Жексон 1903 йилда Амир Темур киличини Техрондаги сарой музейида кўрганлигини ёзиб қолдирган.

“Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузур-халоватидан воз кечдим”, - деб ёзган Сохибкирон бобомиз ўз “Тузуклар”ида. Афсуски, хукмронлик тахтига ўтирган кейинги сулолалар гафлат уйкусига берилганлар. Вахоланки, Амир Темур ўғитлари барча авлодлар учун бирдек дастурамал бўлиши лозим эди.

Мабодо Техронга йўлингиз тушса, жаҳонгир бобокалонимизнинг киличи сакланаётган музейни бориб кўринг.

Такдирни карангки, Турон султониға тегишли бу килич жаҳонгирнинг ватанидан йирокда турибди. Уни кейинги авлодлар саклай олмадилар, Сохибкирон васият қилганидек, “номус ва шараф билан” тута олмадилар. Бу бебаҳо меросға муносиб эгаллик қила олмадилар!

Сохибкирон киличи! У осойишталик, омонлик ва адолат шамшири. У қайси юртда бўлса, ўша ерда қудрат, осойишталик, тўқинлик ва адолат устувор бўлади!

Орзуга айб йўқ. Бу килич истиклолга эришган авлодларға қайтарилса, нақадар улуг иш бўлар эди. Бу килич қаршисида мустақил юртимиз аскар ўғлонларининг “Харбий қасамёд” маросимлари ўтказилса, нақадар ярашарди!

Буюқ Сохибкирон бобомизнинг васиятини доимо ёдда тутайлик:

...Мен қибди узун салтанат сурмақ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир даъфа чекқандан сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизға нифок тухумлари эқилмаслиги учун қўп диққат бўлинг...

Бахтиёр Хайдаров

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йил 49-сонидан олинди